

Ishonch

Моҳият

Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг ҳаётимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кўчатириш мақсадида:

1. 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 57 200 сўм;
ёшга доир пенсиялар — ойига 111 875 сўм;
ағона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 57 200 сўм;
болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 111 875 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 68 645 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги корхона ва ташкилотлар 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 7 июл

Муस्ताқилликнинг 20 йиллиги олдида



Ўзод турпанини олтин дарвозаси

1991 йил 31 августда Ватанимиз тарихида янги давр бошланди. Айнан шу кунни Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинди. Тарих учун йигирма йил катта мuddат эмас. Бироқ Ўзбекистон халқи учун бу, энг аввало, мустақил тараққиёт йўлидан қатъий бориш, кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш, миллий давлатчилигимиз асосларини тиклаш йиллари бўлди. Утган давр тинимсиз меҳнат, яратувчилик ва бунёдкорлик билан кечди. Бугунги кунда ана шундай ижобий жараёнлар маҳсулини ҳар қадамда кўриш мумкин. Энг муҳими — қисқа мuddатда одамларнинг онгу тафаккури, турмуш тарзи ўзгарди.

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг илк кунлариданоқ Тошкент ўзининг пойтахт шаҳар, Марказий Осиё минтақасида энг йирик сиёсий-маданий марказ сифатидаги макомига ҳар томонлама муносиб бўлиши учун унинг ривожига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган шаҳарни ривожлантириш концепцияси ҳам айнан ана шу мақсадга йўналтирилган.

Тошкент бугунги кунда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати шакллантирилдиган, иқтисодий-маданий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ислохот жараёнлари изчил бошқариладиган том маънодаги мустақил давлат пойтахтидир.

Мустақиллик майдони — Тошкентнинг, Ўзбекистоннинг бош майдони. Бу жойда Мустақиллик ва Эзгулик монументи, Мотамсаро она ҳайкали, Вазирлар Маҳкамаси ва Сенат бинолари жойлашган. 1992 йилда рамзий Ер шаридаги Ўзбекистон

Республикаси харитаси акс этган обида ўрнатилиши муносабати билан майдонда катта ободончилик ишлари бошланди. 2004-2005 йилларда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом эттирилди. Эзгулик аркаси, Сенат биноси қурилди, маъмурий бино янгича қиёфада таъмирдан чиқарилди, Бахтиёр она ҳайкали ўрнатилди, хиёбон, кўчалар, кўчалар, фавворалар барпо қилинди. Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 3 февралда қабул қилган «Мустақиллик ва Эзгулик монументи тўғрисида»ги қароридан бу майдоннинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги муҳим аҳамияти ўзининг тўлақонли ифодасини топди.

Майдонга қадам қўяр экансиз, унинг қираверишида қад ростлаган Эзгулик аркаси тепасидан парвозга шайланган турналар, халқимизнинг қалби, орзулари каби оппоқ лайлақлар кўнглингизда ажиб туйғуларни уйғотади.

«Эзгулик аркаси ватандошларимиз

учун азиз ва муқаддас тим-солга айланишига ишонаман. Зеро, ҳар бир қалб эзгуликка интилиб яшайди. Дунёда яхши ният, орзу-истаксиз одамнинг ўзи йўқ. Истардимки, шу дарвоза остонасидан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлсин. Аслида, барча бунёдкорлик ишларидан кўзланган мақсадимиз — эзгулик йўлида хизмат қилишдир», деган эди Президент Ислом Каримов.

Бунёдкорлик — элимизнинг табиатида мос ҳислат. Хусусан, истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан қайтадан чирой оingan муқаддас қадамжолар, шаҳар ва қишлоқларимиз кўрқига-кўрқ бағишлаб турган қанчадан-қанча замонавий иншоотлар, маъмурий ва тураржой бинолари, боғ ва хиёбонлар, кўприк ва йўللар — барча-барчаси халқимизнинг фидокорона меҳнати, ғайрат ва ши-

жоати маҳсули, десак асло муболага бўлмайди.

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида Жомеъ, яъни Бибиқоним масжиди қурилишига улуғ Амир Темур шахсан бош-қош бўлганини таъкидлаб, масжид гўмбаз осмон гўмбаз янглиғ, пештоқи эса сомон йўли пештоқиға монанд эканини гурур билан таъкидлайди. Ва шундан сўнг муаррих қуйидаги байтни келтирди: «Обидаларимиз (авлодларга) бизнинг қиллигимиздан далолат берадилар».

Улуғ аждодлардан мерос бўлган, юрт ободлиги, миллат шон-шавкатига муносиб кутлуғ ишлар бугун ҳам жадал давом этаётганлиги кўнглига ифтихор бағишлайди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. Футбол бўйича ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Мексикада ўтказилган 2011 йилги жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, мамлакатимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани, истиқлол даврида вояга етган баркамол авлодимизнинг энг ёрқин фазилатларини яққол намойён этгани учун қуйидагилар «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги 20 йил» эсдалик нишони билан мукофотлансин ва иловага мувофиқ моддий рағбатлантирилсин:

Талинджанов Аскар — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси делегацияси раҳбари
Евстафеев Алексей — терма жамоа бош мураббийи
Мусаев Ахмадjon — терма жамоа катта мураббийи
Рошин Алексей — терма жамоа мураббийи
Исмаилов Муродбек — терма

жамоа мураббийи
Меҳмононов Рустам — терма жамоа шифокори
Шамсутдинов Руслан — терма жамоа массажисти
Ризаев Санжар — терма жамоа матбуот котиби
Холмуродов Фанишер Рўзи ўғли — терма жамоа дарвозабони
Абдулжалилов Абдумавлон Абдуқодир ўғли — терма жамоа дарвозабони
Смородин Сергей Дмитриевич — терма жамоа дарвозабони
Раҳманов Сардор Фафур ўғли — терма жамоа ҳимоячиси
Мирабдуллаев Жавлон Мамуржон ўғли — терма жамоа ҳимоячиси
Убайдуллаев Мухсинжон Хамидулло ўғли — терма жамоа ҳимоячиси
Жўрабаев Мирзамурод Тўравой ўғли — терма жамоа ҳимоячиси

Хайдаров Равшанжон Йигитали ўғли — терма жамоа ҳимоячиси
Мансуров Асилжон Хусан ўғли — терма жамоа ҳимоячиси
Аскарлов Хасан Акбаржон ўғли — терма жамоа ҳимоячиси
Махталиев Аббосбек Мухаммадалиевич — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Сабирходжаев Сардор Сабитжон ўғли — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Ярбеков Давлатбек Рустам ўғли — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Давлатов Бобир Баходир ўғли — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Муратов Азизбек Раджаб ўғли — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Холмуродов Холмурод Сайриддин ўғли — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Усманхожаев Диор Ойбекович — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Ҳакимов Тимур Рафаилевич —

терма жамоа ҳужумчиси
Ҳакимов Жасурбек Баротович — терма жамоа ҳужумчиси
Қамолов Нодиржон Равшан ўғли — терма жамоа ҳужумчиси
Уринбоев Забиҳилло Бахтиёр ўғли — терма жамоа ҳужумчиси
2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда мукофотларни Олимпия шон-шухрати музейида тантанали равишда топширилишини таъминласин.
3. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 11 июл

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 июлдаги Ф-3675-сонли фармойишига ИЛОВА

«LACETTI» автомашинаси билан:

Евстафеев Алексей — терма жамоа бош мураббийи
Мусаев Ахмадjon — терма жамоа катта мураббийи

«SPARK» автомашинаси билан:

Холмуродов Фанишер Рўзи ўғли — терма жамоа дарвозабони
Раҳманов Сардор Фафур ўғли — терма жамоа ҳимоячиси
Мирабдуллаев Жавлон Мамуржон ўғли — терма жамоа ҳимоячиси
Убайдуллаев Мухсинжон Хамидулло ўғли — терма жамоа ҳимоячиси
Хайдаров Равшанжон Йигитали ўғли — терма жамоа ҳимоячиси
Мансуров Асилжон Хусан ўғли — терма жамоа ҳимоячиси
Махталиев Аббосбек Мухаммадалиевич — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Сабирходжаев Сардор Сабитжон ўғли — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Ярбеков Давлатбек Рустам ўғли — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Давлатов Бобир Баходир ўғли — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Муратов Азизбек Раджаб ўғли — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Холмуродов Холмурод Сайриддин ўғли — терма жамоа ярим ҳимоячиси
Ҳакимов Тимур Рафаилевич — терма жамоа ҳужумчиси

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши ҳамда ўтказилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ва ошқоралигини таъминлашда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши алоҳида ўрин тутиши айtilган. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида шундай дейди:

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда очик демократик ҳуқуқий давлат, иқтисодий-ти барқарор ривожланган ва инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий мақсадга айланган фуқаролик жамиятини куриш йўлида катта ишлар қилинди.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида кенг аҳоли қатлами томонидан қўллаб-қувватланган фуқаролик жамияти институтлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг изчил қарор топиши ва ривожланишига қулай шароит яратилди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсонпарварлик муаммоларини ҳал қилиш, мамлакат аҳолиси турли қатламлари ҳуқуқ эркинлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш дастурларини амалга оширишда жамоат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ташкилий-ҳуқуқий механизмларини аниқ белгилаб олиш ва тақомиллаштиришга қаратилган ўзаро ҳамкорлигини кўзда туғувчи «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда ривож топиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг мустақамланиши учун ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ равишда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳи тасдиқланди.

Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Махлус Сенати аъзолари, Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси мутахассислари, Тошкент давлат юридик институти олимлари ушбу гуруҳга киритилди. Гуруҳ томонидан амалдаги қонунчилик ҳолати ўрганиб чиқилди, ижтимоий шериклик соҳасида қонунни қўллаш амалиёти мониторинги ўтказилди. Шу билан бирга, халқаро қонунчиликнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг ижтимоий шерикликни тартибга солиш борасидаги қонунчилик тажрибалари таҳлил қилинди, нодавлат нотижорат ташкилотлар тақлифлари алоҳида эътибор қаратилди.

Республикаимизда эътибордан ортиқ йўналишда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, бошқарув органлари ва ижро ҳокимияти, оммавий ахборот воситаларининг бир ярим мингдан ортиқ вақиллари иштирокида давра

суҳбатлари ўтказилди. Учрашув иштирокчилари ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг турли шаклларида қўлланилиши, меҳнат соҳасидаги ҳамкорлик, зиддиятчи масалаларни ҳал қилиш тартиби, ушбу жараёнларда маҳаллий ҳокимият органларининг қатнашувини муҳокама қилишди. Фуқаролик жамиятини тадқиқ қилиш институти томонидан ННТлар ўртасида республикамизнинг барча минтақалари бўйлаб ижтимоий сўров ўтказилди. Натижада бизга қонун лойиҳасини тақомиллаштириш юзасидан икки юздан зиёд тақлифлар келиб тушди.

Ижтимоий шериклик тамойилларининг амалиётга татбиқ этилишида ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда алоҳида ўрин туғувчи республика қасаба уюшмаларининг фаолияти яққол мисол бўла олади. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тўрт босқичда амалга оширилади. Булар умумийлик, тармоқча оид, ҳудудий ҳамда маҳаллий босқичлардир.

Умумийлик босқичда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Савдо-саноат палаталари ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2011-2013 йиллар учун Бош келишув тузилди. Келишув ижтимоий мулоқот ҳамда жамоа музокараларининг ривожлантирилиши ва институтлаштирилишига йўналтирилган бир қатор ҳужжатларни ўз ичига олади. Ҳуқумат билан конструктив ҳамкорлик қасаба уюшмаларининг давлат дастурлари амалга оширилишидаги иштирокида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизда республика даражасидаги 81 та тармоқ келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри даражасидаги 14 та ҳудудий келишув, 509 та ҳудудий-тармоқ туман ҳамда вилоят таркибидеги шаҳарлар даражасидаги келишувлари ҳам амал қилмоқда. Бевосита корхона ва ташкилотларда имзоланган 115 мингта жамоа шартномалари орқали олти миллиондан ортиқ меҳнаткашларнинг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик имкониятларини самарали қўллаш бўйича йиллик тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва икки томонлама имзолаш тизими амалиётга татбиқ қилинди. Бундай дастурлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, ССП, «Нуроний» жам

фармаси, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилмоқда.

Ешларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш юзасидан пойтахтдаги олий ўқув юрталари билан ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра кам таъминланган ва қобилиятли талабаларни қасаба уюшмалари стипендияси билан, кўзи ожиз талабаларни зарурий ўқув қуроллари ва махсус мосламалар билан таъминлаш, талаба ва ўқитувчиларни соғломлаштириш, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга молик семинар, учрашув ҳамда конференцияларни ўтказиш учун ўқув юртига маблағ ажратилиши каби масалалар режалаштирилган.

Айни пайтда қасаба уюшма ташкилотлари томонидан ўрта-махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда касб-хўнар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи юзасидан муайян савий-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Масалан, Наманган вилоятида фақатгина қишлоқ хўжалиги йўналишининг ўзида 4700 нафар йигит-қизлар ихтисослашган корхона ва ташкилотларга «устоз-шогирд» услуби бўйича бириктирилди. Бухоро нефть-газ саноати касб-хўнар коллежининг 70 нафар талабаси махсус кийим ва ҳимоя воситалари билан таъминланди. Шунингдек, уларга амалиёт даврида бажарилган иш учун соҳанинг биринчи тоифали мутахассиси иш ҳақининг 30 фоизи миқдоридан тўлов жорий қилинди.

Бошқача айтганда, қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашида тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, ижтимоий шериклик меҳнат муносабатларидаги барча ҳолатларда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши ва рақобатбардорлигининг ортishi, меҳнаткашларнинг иш шароити ва турмушининг янада яхшиланиши, максимал бандлигининг таъминланиши, мавжуд ижтимоий муаммоларнинг самарали ҳал этилишида ёрдам беради, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига ҳамда мамлакатимиз иқтисодий қудратининг юксалишига хизмат қилади. Ижтимоий шериклик нормаларининг қонунчилик даражасида мустақамланиши эса уни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлади ва ушбу принципни сифати, янги даражага кўтариш имконини беради.

Нафиса АБДУХОЛИҚОВА
ёзиб олди.
«Правда Востока» газетасининг 2011 йил 7 июл сонидан олинди)



Озод тортиқнинг дарвозаси

(Боши 1-бетда)

Бахтиёр она сиймоси Мустақиллик монументига уйғулашиб кетган, яхлит ҳолда у мустақиллик билан эзгулик эгизак эканини, бу халқ, бу юрт ўз келажагига яхшилик тилаб яшаётганини аниқлаб туради. Бир сўз билан айтганда, Мустақиллик ва эзгулик монументи мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик ва буюк келажаққа бўлган қатъий ишонч тисмолидир.

Биламизки, бу майдонга эзгулик аркаси орқали кириб борилади. Зеро, бу — мамлакатимизнинг бош дарвозасидир.

У кумушдек товланиб, қўшга бағрини очиб турибди. Узининг кўрку салобати ва моҳияти билан кишини ҳажонга солади. У юксак меъморий тафаккур маҳсулидир. Давлатимиз раҳбари «Бош майдонимиз нафакат сийсий, балки илоҳий бир масканга айланишини истардим», деб ният қилган эди. Бу табаррук маскан шундай кўрку тароват касб этиб бормоқда.

Бу ерга келганларнинг дилида шундай мунаввар кунларга етказган учун Яратганга шукроналар бўлиши табиий, албатта.

— Муаззам Тошкент шаҳрида амалга оширилган ва амалга оширилаётган бешта монумент, пойтахтимизнинг йил саъийи ўзгарди, гузллашиб бораётгани ҳар бир ватандошимизга чексиз гурур ва иф-

тихор бахш этади, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва журналист Мансур Аловуддинов. — Айниқса, Мустақиллик майдонидан бўлган ҳар бир киши истиклолнинг том маънодаги шуққини, юртимизнинг куч-қудратини, Ватан туйғусини теран ҳис қилади.

Кейинги йилларда Юртбошимиз ният қилганидек, ушбу табаррук маскани зийрат қилиш аънанаси пайдо бўлди. Бу гўша эртаю кеч қалби эзгуликка, покликка лимом-лим ҳамюртларимиз билан гавжум. Бахтиёрлик туйғусидан сармаст, қўлда гулдас-та тутиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи томон одимлаётган бахтиёр келин-куёвлар, истиқлол ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган, шўх-шодон кичкинтойлар, қалби қайнок навқирон йигит-қизлар, юзларидан нур ёғилиб турган отахон онахонларга боқиб, тинч-осуда, фаровон ҳаёт нечоғли азиз неъмат экани ҳақида ўйлайсиз.

— Пойтахтимизга бундан ўн йилча бурун келганим, — дейди биз билан суҳбатда сурхондарёлик Урол Назаров. — Тошкентнинг қиёфаси, кўча-ю хиёбонларини кўриб, очиги, таниёлмай қолдим. Айниқса, Мустақиллик майдонидан ўзгаришларни кўриб, шу юрт фуқароси эканлигимдан фохрлигим кетдим. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳан-кимдан кам эмаслигимизга, кам бўлмаслигимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Ким билан суҳбатлашманг, кимдан сўраманг ана шундай ҳаяжонли эътирофларнинг шохиди бўласиз. Бош майдонимиз мустақиллигимизнинг ҳақиқий тисмолига, фунуқон масканга айланади.

Бугун давлатимиз раҳбари бошчилигида асрий орзу-армонларни рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган ҳар бир эзгу иш юрт ободлигига хизмат этиб қолмай, кўнгилларни нурлантириб, келгусида янада баланд парвоз этишга ундаётгани бор гап. Зеро, яхшиликдан яхшилик, буюкликдан буюклик туғилади...

Олтин бошоқ бўлолмайман, десангиз гар, Жилла курси бир майсадек даркор бўлинг. Паналарда пастлар пайтин пойлагайдир, Керак бўлса тинчлик учун бедор бўлинг.

Кўзга суриг қизгалдоғу лоласини, Капалаклар чизиб келган даласини... Бошин силанг кўшнинг ҳам боласини... Ев куши ҳам учиб ўтмас девор бўлинг.

Тиргак бўлиб қўллағувчи ватан азиз, Нурли йўлга йўллағувчи ватан азиз, Борми ундан мўстабарроқ, эзгу, лазиз, Шу ватаннинг хизматига дастёр бўлинг.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
«Ishonch» мухбири



Яқинда Халқаро архивлар куни (9 июн) ҳамда «Архив тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишига 3 йил тулиши (15 июн) муносабати билан Сирдарё вилоятида ўтказилган тадбирда ҳудудий архив ходимлари касб маҳоратларини намойиш этишди. Тилловда Янгир шаҳридаги филиал (2900 йгма жилдли) барча кўрсаткичлар бўйича голиб деб топилди. Маскур архивда амалга оширилган ишлар (шартномалар тузиш, пуллик хизмат кўрсатиш) ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 145 фоз кўп бажарилган. Суратда: Янгир архив раҳбари Ҳасан Жабборов катта фонд сақловчиси Лутфия Бобонова билан сақланаётган ҳужжатларни кўздан кечирмоқда.

Муҳаммад КАРИМ олган сурат

Қасаба уюшма ҳаёти

Таъсис конференциялари

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари қасаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон республика кенгаши аъзолари, таъсис комиссияси, республика кенгаши раисини сайлаш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Кенгаш аъзолари бир овоздан илгари Савдо ходимлари ва тадбиркорлар қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистондаги вақили вазифасида ишлаб келган Холжон Бекмановани кенгаш раиси этиб сайладилар. Конференция ишида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва

хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Файрат Зуннунов сўзга чиқиб, олдинда турган вазибаларга эътиборни қаратди.

Шундай конференция Урганча ҳам бўлиб ўтди. Конференция ишини Хоразм вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Раҳимберган Матрасулов олиб борди.

— Бугунги янгиланишларни давринг ўзи тақозо этмоқда, — дея ташкиллади Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Файрат Зуннунов. — Замон билан ҳамнафас

одимлаб, аъзоларимиз сафини кенгайтиришимиз, аъзолик афзалликларини асослашимиз, том маънода уларнинг таянчига айланишимиз лозим.

Кун тартибидеги масалалар атрофлича муҳокама қилинди. — Биз шубҳасиз, тараққиёт йўлини танлаймиз, — дейди истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари қасаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси Бахтиёр Ибрагимов. — Ишончи оқлаш учун имкониятларимизни ишга солган ҳолда аъзоларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини янада кучайтирамиз.

Муҳаббат Тўрабоева,
«Ishonch» мухбири

Фаолият

Фаргона вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган қўшма тадбирлар режасига асосан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳамкорлик самараси

Жумладан, ўтган икки ой мобайнида қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва жойлардаги қасаба уюшма кўмиталари билан ҳамкорликда 102 та ташкилот, корхона ва муассасада истеъмолчилар билан учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Натижада 66 та ташкилотда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг таянч гуруҳларига асос солиниб, 3000 нафардан ортиқ фуқаро Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясига аъзоликка қабул қилинди.


Қувасой шаҳрида яшовчи фуқаро Х.Тоированинг Қувасой шаҳар тиббиёт бирлашмаси томонидан навбатчи ҳақимлар иш ҳақи тўловининг кечиктирилаётганлиги тўғрисидаги аризаси ҳамкорликда ўрганилиб, 19 млн. 550 минг 116 сўм миқдоридан иш ҳақи тиббиёт ходимларига ундириб берилди. Шунингдек, Фарғона тумани жамияти томонидан «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш корхонаси ходимларидан тушган ариза бўйича 2 млн. 700 минг сўм миқдоридан кечиктирилган иш ҳақи тўловини эришилди.

Ғ. МАМАТҚУЛОВ,
УИХҚЖФ Фарғона вилояти ҳудудий бирлашмаси матбуот котиби

Газета — газетхон — газета


Публицистика ҳаётини мулоқотларнинг ҳосиласи ҳисобланади. Матбуот нашрларининг қизиқарли чиқишига эришиш ва уларда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда ўқувчилар билан доимий алоқани йўлга қўйиш, уларнинг таклифи ва мулоҳазаларидан кенг фойдаланиш яхши самара беради.

Илмининг ўтган қисқа даврида муштарийлардан 600 дан ошқ хат ва мақолалар олдик. Газетхонларнинг атрофда кечаётган воқеаларга уйғоқ муносабати, ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича мақолалардан жавоб олиш истаги акс этган мактублар, шунингдек, бадиий, публицистик ва илмий ижод намуналари нашримиз учун қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.



Вафо

Ҳаётда бир-бирини севиб, оила қурганлар бисёр. Аммо гоҳида 2-3 фарзандли эр-хотинлар ўртасида меҳру вафого дарз кетади. Баъзи эркаклар аёли бирор касалга чалинса ёки ногирон бўлиб қолса, фарзанди ҳам кўзига қуримай, бошқа умр йўлдош топиш пайига тушади.



Мухаммад КАРИМ олган сурат

Худойберди НАЗАРОВ, меҳнат фахрийси

Оромгоҳда мароқли дам

Паркент туманидаги 6 та мактабда ёзги оромгоҳлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда ҳомийлар ёрдами билан ўғил-қизларнинг мароқли дам олишига етарли шароит яратилди.

Оромгоҳларнинг мавсумий ишлаши учун барча имконият ишга солинди, — дейди таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси туман бirlашган кўмитаси раиси Зоҳид Собирхўжаев. — Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши томонидан 1 млн. 271 минг сўмлик спорт жиҳозлари, ўқув қуроллари, бадиий китоблар олиб берилди.

Оромгоҳларга туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси 4 млн. 600 минг сўмлик, Қорақалпоқ Агрофирмаси 900 минг сўмлик, Паркент матбуот инвест МЧЖ 500 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Заркент қишлоғидаги 42-умумтаълим мактаби қошидаги «Ситора» болалар оромгоҳида бўлганимизда, ўрта гуруҳнинг ҳар бирида 16 нафар ўқувчи дам олаётган экан.

Абдузхур ҚОРАБОЕВ, журналист

Элимизнинг бахтли дилбандлари

«Шўртаннефтгаз» унитар шўба корхонасига қарашли «Шўртан қалдирғочи» болалар оромгоҳи йилдан-йилга чирой очмоқда. 2009 йилда бу ерда 400 ўринли ошхона ишга тушган бўлса, ўтган йили ташкилот болажонларга сунъий денгиз қуриб берди.

Жорий йилда ўйингоҳ янги жиҳозланди. Баскетбол майдончаси таъмирланиб, сузиш ҳавзаси кенгайтирилди. Янги спорт жиҳозлари олинди.

Корхона раҳбарияти болажонларга қулай шарт-шароит яратилиши, сифатли озиқ-овқатлар берилишини назорат қилиш учун ҳар навбатга вақил жўнатиб, муаммоларнинг олдини олмақда.

Ёшларда китобга қизиқишни ошириш мақсадида турли мавзуда википедиялар ўтказилди. «Ёш Барчинолар», «Ёш Алломишлар» кўриқ-танловларида ўғил-қизлар билим ва маҳоратини намойиш этади.

Асли тиббиёт ходими бўлган оромгоҳ бошлиғи Жовли Тоғаев Яқсаб туманининг сўлим Ишкент қишлоғидаги «Чиллабулоқ» булоқ сувининг шифобахшлигини яхши биларди.

Оромгоҳ худудидан ўтадиган Турна дарёсининг шовиллаб оқиши руҳингизга ором, танангизга роҳат бағишлайди. Фарқ пишган сархил мевалар қўзни қунатади.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб, «Буюк ва мустақил юрт фарзандларимиз» широйи остида ўтаётган тадбирлар ўғил-қизлар қалбига Она Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотмоқда.

Бош етакчи Бўри Тўраев ҳар бир кунни алоҳида номлаб, тадбирлар уюштиради. «Орасталлик кунини» «Энг озода ва тартибли хона кўриғи» ўтказилса, «Оромгоҳ билан танишиш кунини» «Оромгоҳ менинг уйим, уни асраш муқаддас бурчим» мавзусида тадбир ташкил этилади.

А. АКМАЛОВ

Ёз келди — соз бўлди

Фориш туманининг Ёмчи қишлоғида жойлашган «Жиззахдонмаҳсулотлари» очiq акциядорлик жамиятига қарашли «Коинот» болалар оромгоҳи 17 июндан бошлаб 100 нафар ўқувчини қабул қилди.

Оромгоҳ ўтган йилларга қараганда анча чирой очган. Жамият томонидан оромгоҳ таъмирланиб, зарур бўлган қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан вақтида таъминланди.

Туман АСМ ходимлари касабаси уюшма кенгаши раиси

Уста Норман бобонинг жавоҳирлари

Уста бобонинг иш жараёнини ёш бўлсам-да, мен ҳам диққат билан кузатар эдим. У ҳар бир жараёнга синчиқлаб эътибор қилар, бастулардан тортиб васажуфтганча эринмасдан сайқал беради, ўйиб ишланадиган нақшларни ҳеч вақт қайта тасвирламайди.

Пиллакорларимиз зафари

Туманимиз «қумуш тола» ижодкорлари давлатга 220 тонна пилла сотиб, шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб адо этдилар.

3766 қути қурт уруғининг ҳар биридан ўртача 58-59 килограмдан пилла олинди. «Ўғузработ» қишлоғидан Фазилат Матқубова, «Қораянтоқ»дан Баҳодир Раҳимов, Нилуфар Ботирова, «Дехқон-бозор»лик Мухтарам Олламова, Назира Раҳмонова, «Хитой» қишлоғидан Мухайб Исмоилова, Наргиза Ҳасанова, «Нурафшон» шаҳарчасидан Оллақули Собиров каби моҳир пиллакорларимизнинг бу борадаги меҳнатини алоҳида тилга олиш лозим.

Яқинда мавсум якунига бағишланган йиғинда «Қораянтоқ» қишлоғи пиллачилик зироатшуноси Султонпошша Ражабова, «Богот пилла» масъулияти чекланган жамиятимиз катта лаборанти Рўзигул Оллаберганаева, «Хитой» қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Турдигул Собирова, «Найман» қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Гулном Рўзमतова, «Хўжалик» қишлоғи худуд раҳбари Тохир Полонзов, «Кулқорқоб» худуди раҳбари Олимбой Қаландаров пиллачиликда эришган ютуқлари учун қимматбаҳо совға билан муқофотланди.

Гулнора РЎЗМАТОВА, «Богот пилла» МЧЖ директори

Ватан деб уйғондим

Тушимда саҳодан бердилар дарак, бойлик улашмоқда бир нуруний чол. Бирдан сўрар у: «Сенга не керак?» — Бир қоп олтин берсанг, ўшадир иқбол! Биттаси сўради юз минг ҳисор қўй, Яна бошқа бири беҳисоб туя.

Чўлда бўстон яратди

Сардобалик Абдумалик Холбоев раҳбарлик қилаётган «Соҳибқор» фермер хўжалиғи ўтган йили пахта ва галла тайёрлаш шартномавий режасини ошғи билан бажариб, 141 миллион сўм фойда олди. Даромад ҳазинага янги техникалар сотиб олиб, кўчатчилик ва боғдорчилик участкаси ташкил этди.

Тадбиркор фермер ҳар қарч ердан унумли фойдаланади. Янги боғда мевали дарахтлар атрофида турли сабзавот экинлари эчки. Яқинда 10 тонна сабзи, 5 тонна қарам йиғиштириб олиниб, хўжаликка 14 миллион сўм қўшимча даромад келтирди.

Анорбой НОЗУЛОВ

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касабаси уюшма кўмитаси жамоаси вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг кадрлар ва маркетинг бўлими бошлиғи Сафарбой Бобоқонова волидан мухтарамаси

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a QR code.